



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 25.01.2022 г. № 01/02-808

между "HUBUDGAZTA'MINOT" AJ и Пукусский филиал Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова на общую сумму 9900000,00

Глава 054
Казначейской дисевой счёт 100021860354017073101054001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	3 300 000,00			3 300 000,00
Февраль	3 300 000,00			3 300 000,00
Март	3 300 000,00			3 300 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	9 900 000,00			9 900 000,00

Всего 9900000,00 сум

Девять миллионов девятьсот тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах.

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода.

(***) — Месячный _____ %, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика  Исмаилов Баходир Абдимусаевич
(подпись) Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика  Сатиева Жанат Амангелдиевна
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____
(подпись)

Получил работник заказчика _____
(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ хажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 20__ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал хажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак	_____ минг куб.м.	январь	_____ февраль	_____ март
II чорак	_____ минг куб.м.	апрель	_____ май	_____ июнь
III чорак	_____ минг куб.м.	июль	_____ август	_____ сентябрь
IV чорак	_____ минг куб.м.	октябрь	_____ ноябрь	_____ декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тақдирланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) мuddатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саюат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарадаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суқталиқ меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичмда газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгаришлилиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартрилишига қадар камиди 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қуруллариди юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартрилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулларининг технологик иш режимида бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумиди ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсалида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишига ўтлади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган мuddатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришини тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзини тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов рекевизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жарайини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансиди бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м3 газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101.325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кیمیёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансиди бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танловни тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир киладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вақилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z Dst 8.586:(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекс ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z Dst 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аннкланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олинми жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қуйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қурурларида ёки ГТПларида асбоб-усқуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ

истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ПЧНАТ-АСКУГ) ларига улангани лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатитиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекс эгаси уни ишлатиш давомида O'z Dst 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z Dst 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари, “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификат ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилейди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигидан метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торабни мослашсини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслош кўриги/калибрлаш, торабни мослашсини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатитиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатитиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишिलाди.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги азот, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишдан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар хисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний хисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойн тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортқича олинган табиий газ қийматига нисбатан 1.4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўриятилган газ асбоб-ускуналарини тўлик қуввати бўйича хисоб-китоб қилишнинг натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортқи ҳажмларини ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда - ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортқи бўлмаган мuddатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланмаган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларга хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмолчи ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортқича бўлганда, пломбааланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурilmаси ўриатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқомларини ўриатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўстандарт" агентлиги бўлинималарида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳужжати эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса - экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки хисобга олиш прибордан газ сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарини ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиغان газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишнинг таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарихасида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озода қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузилмаган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озода қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурilmаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайди миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчи тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансиде бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактура ни қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озода қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий ақс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугайдан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилга тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланишда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган қуядан бошлаб,

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истемолчида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартномаинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланиган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқартган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларининг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашнинг таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғинга қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истемол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истемолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истемолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондаларнинг бартараф этилуғинга қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истемолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи ваккалари ва "Ўзнефтигазиспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини кўннинг исталган вақтда эркин кўздан кечиришни таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истемолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўққонлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касалдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўриятилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш.

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиши.
- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида, табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

- 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиши ҳуқуқига эга:
- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириши учун комиссия ташкил этиши;
 - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;
 - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
 - газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.
- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдоридан жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;

- б) магистрал газ қуруларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатиغا киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлашни талаб қилиши ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиши ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига мuddати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, бироқ мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатмайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатмайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш мuddати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни сулҳча ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгил бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, ҳусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмайд қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома _____ йил 31 декабрда бўлган мuddатга тузилган. Шартноманинг мuddати тутаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг мuddати тутаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили _____ йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудга: Қораканлоғастов»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
Манзил: Тел/факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179	<u>М. В. Волгодор</u> <u>ИРИШАТНА И.Ф</u> (Бюджет ташкилотлари, ҳужжат субъектлар номи) юристуви
КТУТ коди _____	
XXIYТ _____ 35220	
Боғланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	Почта манзили: <u>В.Кичуков</u> <u>Б.Кетсбаевов</u>
Х/Р: _____	ОКПО коди _____
Банк номи: «Ўзбекистоннинг банк Раҳат филиали»	ОКЭД <u>23101</u>
МФО: 00435	Мулоқот телефони <u>61216-91-33</u>
ИНН: 306605769	Банк номи: <u>Ўзбекистон банк</u> <u>2.Тарафқарор</u>
Х/Р <u>22634000406Н3960480</u>	МФО <u>00014</u>
	ИНН <u>20035246</u>
	ш/Х <u>2740200300/00001010</u>
	Х/Р <u>0002180334017073101054001</u> <u>Жаҳонгир Мин Ғали Руз</u>
Раҳбар: <u>Х.Айванов</u> (ф.и.ш.)	(таълимчи бўлишасиз номи) Раҳбар: <u>Ф.А.Мамрилов</u> (ф.и.ш.)
Илоси: _____	Илоси: _____
Мухр Урин _____	Мухр Урин _____

Юридик маълумотни хулоса қилишда қўшимча эълан қилине

Настоящий договор соответствует требованиям

Гражданского кодекса и Закона Республики

(Фидийекистан "О доғаманна-аравой базе"

деятельности хозяйствующих субъектов"

Юрист _____

25 ИЮН 2022

20

Г.